

# Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 13-oktabr, payshanba

№ 40 (9204)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖАМИЯТЛАРИГА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ БАНДЛИГИГА ҚўМАКЛАШИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТўҒРИСИДА

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларига қарашли юридик шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш бўйича тизимли ишларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 апрелдаги ПҚ–208-сон қарорининг 2-бандида бюджет буюртмачилари учун назарда тутилган чекловлар Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ходимлари умумий сонининг камида 50 фоизи ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар (кейинги ўринларда – ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар) томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни харид қилишга нисбатан таътиб этилмаслиги белгилаб қўйилсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муд-

датда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг кўргазма ярмаркасини доимий тарзда ўтказиш графикларини тасдиқласин.

Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда **икки ҳафта муддатда ҳудудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш** учун зарур павильонларни аниқлаш ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин. Бунда:

худудларда кўргазма ярмаркасини ўтказиш учун зарур павильонлар бепул тарзда ажратилди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари мазкур кўргазма ярмаркаларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

3. Давлат буюртмачиларига ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, кўргазма ярмаркалари давомида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар билан улар томонидан ишлаб чиқариладиган

маҳсулотларни уч йилгача муддат давомида кафолатли харид қилишни назарда тутувчи шартномалар тузиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчилари ўз ҳудудда фаолият юритаётган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва техник параметрлари тўғрисидаги ахборотларни 2022 йил 15 ноябрга қадар Электрон кооперация порталига жойлаштирсин ва мунтазам равишда янгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари доимий тарзда ўз ҳудудда тадбиркорлик субъектлари учун ўтказиладиган кўргазма ярмаркаси доирасида ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг ўз маҳсулотлари билан иштирок этишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари мазкур бандда белгиланган вазифалар ўз муддатида ва сифатли бажарилиши ҳамда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг фаолиятига қўмаклашиш ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш юзасидан шартнома шартномаларини қўллаб-қувватлашнинг маълумот киритиб босин.

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

а) 2023 йил 1 январга қадар ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ягона реестри (кейинги ўринларда – Реестр) юритилишини ташкил этиш;

(Давоми 2-саҳифада)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚўШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА

Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ҳисобига аҳоли даромадини ошириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни моддий ресурслар (хизматлар) билан узлуксиз таъминлаш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни кафолатли харид қилиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Боғдорчилик агентлиги) мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 12 ой муддатга**, шу жумладан, **11 ойлик имтиёзли** давр билан **қўшимча 300 миллиард сўм** бюджет ссудасини йиллик **10 фоиз** ставкада ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Молия вазирлигига қайтарилган маблағлар ҳисобидан йил давомида Боғдорчилик агентлигининг буюртмалари асосида қўшимча бюджет ссудаси ажратиб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин. Бунда, ажратилган бюджет ссудаси бўйича қарздорликнинг жами суммаси **мазкур қарор доирасида 300 миллиард сўмдан ошиб кетмаслиги** кераклиги белгилаб қўйилсин.

2. Мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган маблағлар Боғдорчилик агентлиги томонидан тижорат банкларига ресурс сифатида йўналтирилган ҳолда, Боғдорчилик агентлигининг лойиҳа офислари раҳбарларининг ҳамда маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимлари ёрдамчиларининг тавсиясига кўра: **қишлоқ хўжалиги корхоналарига – мева, узум, картошка, сабзавот, полиз экинлари, кўкатлар ва доривор ўсимликлар, дуккакли ва мойли экинлар** (кейинги ўринларда – қишлоқ хўжалиги экинлари) етиштиришга уруғлик, ўғит, ёқилғи, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш учун;

**маҳсулотларни қайта ишловчи, сақловчи ва экспорт қилувчи корхоналарга – етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларини харид қилишда талаб этиладиган айланма маблағларини тўлдирish учун ажратилди.**

Бунда: қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун кредитлар 150 миллион сўмгача **гаровсиз** берилди; кредитлар бўйича фоиз тўловлари **йиллик 14 фоиз** (шундан 3 фоизи банк маржаси) миқдорда белгила-ниб, кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 12 ой муддатгача ажратилди; ажратиладиган кредит маблағларининг 50 фоизига бўлган қисми қарз олувчи талабига асосан **нақд пулда** тақдим этилади;

(Давоми 2-саҳифада)



➤ **Пресс тур**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЙўЛЛАРИНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

Тошкент вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати ташаббуси билан ҳудуддаги йўллар инфратузилмасининг халқаро стандартларга мос бўлиши, замонавий автомобиль йўлларини қуриш, кўприкларни реконструкция қилиш, ички йўлларни мукамал таъмирлаш орқали ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича жорий йилда амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар билан таништириш мақсадида пресс тур ташкил этилди.

Вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида соҳа раҳбарлари, минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати мутасаддилари, “Ўзавтойўл” инспекциясининг ҳудудий вакиллари журналистларнинг қизиқтирган саволларига жавоб бердилар. Таъкидландики, айна вақтда Тошкент вилоятида жами 14 минг 157 километр автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, уларнинг қарийб 4 минг километри умумий фойдаланишдаги йўллар, 10 минг километрдан зиёди эса ички хўжалик – шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларига қарашли кўчалар ҳисобланади. Мазкур автомобиль йўлларидан бир кунда 460 мингдан зиёд транспорт воситалари

ўтади. Бошқарма тасарруфида 600 га яқин йўл қурилиши техникаси мавжуд бўлиб, улар 19 та шаҳар ва туманлар ҳудудий корхоналарига бириктирилган. Жорий йилда 1173,8 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1063,8 километр узунликда автомобиль йўллари ва ички кўчаларни қайта қуриш, таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ўтган 9 ой давомида 755,6 километр автомобиль йўллари ва ички кўчалар таъмирланди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича алоҳида манзилли ишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда ўтган даврда 31,9 миллиард сўм маблағ доирасида 66,3 километр ички кўчалар таъмирланди.

(Давоми 3-саҳифада)

## ТИЛ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ:

### ҲАМ САВОДХОНЛИК, ҲАМ ИМКОНИЯТЛАР ОШМОҚДА

Дунёда кўпгина ривожланган мамлакатлар аҳолининг тил билиш даражасини аниқлаш юзасидан сертификатлаш тизимини самарали йўлга қўйган. Бу биринчи навбатда жамиятда саводхонликни оширади, иккинчидан бундай сертификатларнинг халқаро мақомга эга бўлиши маълум бир давлат ўз она тилини дунё бўйлаб кенг тарғиб қилишига имкон яратади. Албатта, мазкур сертификат ҳар бир кишининг таълим олиши ёки ишлаши учун маълум бир қулайликлар ҳам яратиши зарур.



## ЧЕМПИОНЛАРНИ МАҒЛУБ ЭТГАН

### МУЗАФФАР

Ўзбекистон дзюдочилари умумжамоада 82 та давлат орасида 3-ўринга кўтарилиб олди

Дзюдо бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионатининг олтинчи куни ўзбекистонлик дзюдо иҳлосмандларига бетақдор лаҳзаларни, чиройли беллашувларни туҳфа этганлиги билан ёдда қоладиган бўлди.

Кун давомидаги беллашувларда икки нафар ҳамюртимиз медаллар учун кураш олиб борди.

Қизлар ўртасида 78 килограмм оғирликда совринли ўринларга даъвогарлик қилган Ирисхон Қурбонбоева илк жангини польшалик Бита Пасут-Кложко билан ўтказди. Тенг курашлардан иборат асосий вақтда иккала спортчи ҳам натижага эриша олмади. Қўшимча вақтда эса Европа вакиласининг қўли баланд келди.



Кредит маблағларининг 50 фоизигача бўлган қисми қарз олувчи талабига асосан нақд пулда тақдим этилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р ИНОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖАМИЯТЛАРИГА ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТЛАРНИ  
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ  
БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

## (Боши 1-саҳифада)

Бунда, Реестр Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг расмий веб-сайтида юригилади, шунингдек, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан ўзаро электрон маълумотлар алмашинуви асосида шакллантирилади ва янгилан боради;

б) тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ўринлари ва шароитларни ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратишда ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган иш ўринларининг меҳнат шароитлари юзасидан давлат экспертизаси хулосасини талаб қилиш тартибини бекор қилиш.

6. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб давлат харидлари доирасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мақтабгача таълим вазирлиги, Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб режа-жадвалларидаги харид предмети ҳажмининг камида 10 фоизи миқдорда жойлашган ҳудуди бўйича тегишлича Реестрга киритилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни шартнома асосида сотиб олади.

Бунда, барча давлат буюртмачилари ягона иштирокчиси ногирон-

лиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслардан харид қилинган товарлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг ёки юқори турувчи ташкилотларнинг расмий веб-сайтида доимий равишда жойлаштириб боради.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қoшидаги Рақамли трансформация маркази бир ой муддатда Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтган, ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар ва улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи бўлишни ишга туширсин.

8. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон қарлар жамиятининг 2022 йил давомида тажриба тариқасида Нукус ва Тошкент шаҳарларида ҳамда 2023 йилдан бошлаб қолган ҳудудларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларни касб-хунарга ўқитиш, маданият, санъат, спортга оид қизиқишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Имкониятлар маркази" фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, "Имкониятлар маркази":

ногиронлиги бўлган шахслар ва иш берувчилар ўртасида мулоқот ўтказиш ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш майдони сифатида фаолият юритиши;

ногиронлиги бўлган шахслар билан дастлабки суҳбатлар ўтказиш, уларнинг қизиқишидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга ўқитишга кўмаклашиши.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) "Имкониятлар маркази" фаолиятини ташкил этиш учун Нукус туманидаги Кердер саноат транспорт касб-хунар коллежи ва Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги "Ишга марҳамат" мономарказидан зарур хоналар ажратсин.

9. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Ўзбекистон қарлар жамиятининг талабномаларига асосан Транспорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахсларнинг жойлашувидан келиб чиқиб, мавжуд жамоат транспорти йўналишларида ўзгартиришлар киритиш ёки янгиларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

10. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбеки-

стон Миллий телерадиокомпанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мунтазам равишда ягона иштирокчиси ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари ҳисобланган юридик шахслар фаолияти ҳамда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, шунингдек, ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти оммавий ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б.Хусанов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорада Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилинсин.

Ўзбекистон Республикаси  
ПрезидентиТошкент шаҳри,  
2022 йил 12 октябрь

## Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Қ А Р О Р ИҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ  
ЕТИШТИРИШНИ МОЛИЯВИЙ  
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## (Боши 1-саҳифада)

ажратиладиган кредитлар бўйича Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари гаров таъминоти сифатида қабул қилинади.

3. Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш ва уларни харид қилиш тизимини қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун Боғдорчилик агентлигига зарур бўлган маблағларнинг олти ой олдин ажратиб борилишини таъминласин.

## 4. Белгилансинки:

а) кредит маблағларининг қайтмаслик хатарини суғурта қилиш бўйича ёки ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш бўйича суғурта полиси қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ажратиладиган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида қабул қилиниши, кредитларни сундиришга йўналтирилиши мумкин;

б) қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ҳосилни хавф-хатардан суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

Молия вазирлиги 2023 йил ва келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирувчиларга ҳосилни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизини қоплаш мақсадида суғурта маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Боғдорчилик агентлиги директори Х.Каримов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Раиси А.Ҳайитов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари:

жорий йилда қўшимча ажратилаётган 20 минг гектар ва 2023 йилда бериладиган 95 169 гектар экин майдонларида етиштирилган маҳсулотлар ҳисобидан импортни қисқартиришга шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин;

2022-2023 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган майдонлар камида 300 минг гектарга етказилишини таъминласин. Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун мўлжалланган ерларга экинларни жойлаштириш Боғдорчилик агентлиги томонидан белгилаб берилади.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Воитов), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.Ҳайитов) ҳамда Боғдорчилик агентлиги (Х.Каримов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда:

ҳосилдор уруғ ва кўчат навларини, ўғит ва ўсимликлар ҳимояси воситаларини жойларга етказиб, дала ярмаркаларини ўтказиш ҳамда экинларни ер майдонларида "бир контур – бир маҳсулот" тамойили асосида жойлаштириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қафоллатли харид қилиш бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа маркази мева-сабзавотчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқ ва натижалар тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида куйидаги вазифаларнинг амалга оширилишини таъминласин:

медиа маҳсулотлар (ролик, кўрсатув, репортаж, интервью ва турли слайдлар) орқали мева-сабзавотчилик

соҳасида фермер, деҳқон хўжалиқлари, томорқа ер эгалари ҳамда аҳолининг билим ва кўникмаларини ошириш;

аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасида тадбиркорликка қизиқтириш, ердан ва ресурслардан унумли фойдаланиш орқали ўз даромадини оширишга ўргатувчи телекўрсатувлар ташкил қилиш;

аҳолини қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган янгилликлар, ижобий тажрибалар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлаётган талаблар ва ўзгаришлар тўғрисида кенг хабардор қилиш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида жаҳондаги илғор тажрибаларни республика ҳудудида оммалаштириш.

8. Бош Вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири А.Б.Воитов Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан узум етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш учун Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига 2 йил муддатда, шу жумладан, 12 ойлик имтиёзли давр билан 10 миллион АҚШ доллари миқдорда йиллик 2 фоиз ставкада маблағ ажратсин.

Бунда, узум етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарига маблағ ажратиш шартлари Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳуқумат комиссияси томонидан белгиланади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Воитов), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (А.Ҳайитов) билан биргаликда ҳар бир ҳудудда қишлоқ хўжалиги тақдирини ҳал қилувчи тақдиротлар ва семинарлар ўтказсин.

10. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Қўчқоров) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А.Воитов) билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ҳисоб палатаси (Б.Турабов) Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси билан биргаликда мазкур қарорда назарда тутилган маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва мақсадли сарфланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига илова мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири А.Б.Воитов, Боғдорчилик агентлиги директори Х.М.Каримов, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори М.М.Убайдуллаев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
ПрезидентиТошкент шаҳри,  
2022 йил 6 октябрь

## Ш.МИРЗИЁЕВ

## ЧЕМПИОНЛАРНИ МАҒЛУБ ЭТГАН МУЗАФФАР

## (Боши 1-саҳифада)

Давлат Бобоновнинг жаҳон чемпионлигига эришиши бугунги баҳсларда қайсидир маънода Музаффарбек Тўрабоевга руҳий далда бўлди. Бу ўтказилган ҳар бир учрашувда ҳамюртимизнинг руҳий устунликдаги ҳаракатида акс этди, гўё. Истеъдодли спортчимиз аввалгига АҚШ, кейин Грузия, ярим финал остонасида Канада, ярим финалда Нидерландия вакиллари мағлуб этиб, финалга йўл олди.

Албатта, яккакураш спорт турларида, айниқса, дзюдо мусобақаларида олимпия ўйинларидан кўра, жаҳон чемпионати баҳсларида медалларга эга чиқиш жуда мушкул вазифа. Боиси, тўрт йиллик ўйинларда ҳар бир вазнда спортчилар рейтинг ва олимпия тизими ҳолатида ажратилаётган ўринлар асосида қатнашса, жаҳон чемпионатида иштирок этаётган ҳар бир спортчи



камида ўз мамлакатини чемпионлиги ҳисобидан олимпия ўйинлари совриндори ҳисобланади.

Шу маънода, Музаффарбекнинг олтин медалга оstonасигача ўтказган ҳар бир кураши финал дара-

жасидаги беллашув бўлди, дейиш мумкин.

Ҳамюртимизнинг канадалик Кайл Рейесга қарши баҳси ўта мураккаб кечди. Музаффарбек ҳарбийлар ўртасида, унинг рақиби эса

ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони ҳисобланади. Ҳар икки чемпионнинг 35-жаҳон биринчилигида барча етакчи дзюдочиларни мағлуб этган тарзда финалда рубару келиши ҳам ўзига хос воқеа бўлди.

Канадалик спортчи Халқаро дзюдо федерацияси рейтингда 31-ўринда, Тўрабоев 27-поғонада бораётганлигига қарамадан, истеъдодли спортчимиз имконият бой бериб турган ҳолда ўз шиддатини намойиш қилди ва ҳақли равишда канадалик спортчини сўнгги сонияларда мағлуб этди.

Халқимизнинг алп фарзанди М.Тўрабоевнинг жаҳон чемпионатида олтин медалга эга чиқиши терма жамоамиз медаллари ҳазинасини 2 та олтин медал билан бойитди ҳамда Ўзбекистоннинг 82 та давлат орасида 3-ўринга кўтарилиб олишини таъминлади.

Тўлқин РЎЗИЕВ,  
ЎЗА муҳбири.

ТИЛ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ:  
ҲАМ САВОДХОНЛИК, ҲАМ ИМКОНИАТЛАР ОШМОҚДА

## (Боши 1-саҳифада)

Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан айтилган масалада жадвал ишлар олиб борилаётган бўлиб, ҳозирда мамлакатимизда 10 та хорижий тил бўйича 35 хил сертификатлаш йўлга қўйилган. Жумладан, инглиз тили бўйича "Linguaskill", ўқитувчиларимизнинг методик билимларини ривожлантириш учун "ТКТ" (Teaching knowledge test) имтиҳонлари ўтказиб келинмоқда. Шу билан бирга араб ҳамда турк тиллари юзасидан ҳам халқаро имтиҳонлар мавжуд. Республика ҳудуди бўйлаб ушбу тестлар ҳақида кенг қўламли маълумотлар бериб боришмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳозирда ушбу тестларга қизиқувчи талаборлар сони кундан кунга ортиб бораёпти. Ушбу талаборлар ичида ўқитувчилар билан бирга ўқувчи ёшлар, қолаверса олий таълим муассасалари талабалари ҳамда профессорлари борлиги ҳам бизни қувонтиради. Келгусида хорижий тил сертификатига эга ўқитувчи ва ўқувчилар сонини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Айтиш лозим, агентлик бугунги кунда халқаро сертификатлаш тизими ташкилотлари билан ҳамкорлик доирасида тизимли фаолият олиб бормоқда. Хусусан, Кембриж Ассоесмент ташки-

лоти билан келишув доирасида талабалар учун инглиз тилини билиш даражасини баҳолашни таъминлаш, минтақадаги умумтаълим мактаблари ва олий ўқув юрталари учун дарсликлар нашр этиш, инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва ривожлантириш каби ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу ташкилот билан яна Ўзбекистонга минглаб YLET (Young learners English test) – ёш ўрганувчиларнинг чет тиллари бўйича билимларини баҳоловчи халқаро тестлар йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа айтилган вақтда синон тариқасида ташкил этилаётган бўлиб, мутахассислар фикри ўрганилади ва халқ таълими тизимида амалга оширилиши учун тавсия этилади. Айтилган Наманган, Фарғона, Сурхондарё, Навоий, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйлаб имтиҳонлар ташкил этилиб, жорий ойнинг ўзида жами мингдан ортиқ тестлар келтирилган. Маълумот ўрнида, шу кунгача барча ҳудудларда 10 мингдан ортиқ талаборлар оригинал материаллар ёрдамида тест саволларини ечиб, ўз билимларини синаб кўришди.

Яна бир ҳамкор – Германия Федератив Республикаси маданият (Гёте) институти билан эса немис тилини оммалаштириш ва маданият соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш-

га доир саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Гёте институти агентлик билан ҳамкорлик чегараларини кенгайтирди ва энди "Энг яхши чет тили ўқитувчиси" республика танловининг немис тилида сўзлашувчи блокка ғолиб чиққан ўқитувчилар институтининг бош филиалида малака ошириш курсларини ўташ имкониятига эга бўлдилар. Шу билан бирга, "Ат-танал ал Арабий", яъни Иорданияда бош офиси бўлган дунёвий Араб тилини синаш бўйича халқаро ташкилот билан ҳам фаол ҳамкорлик олиб боришмоқда.

Лўнда килиб айтганда, хорижий мамлакатлар билан бу йўналишдаги ҳамкорлик юртдошларимиз дунёнинг турли тилларини мукаммал ўрганишлари ҳамда хорижда ўқиш ва ишлашда қатор имтиёزلарга эга бўлишларида самара бераёпти. Қолаверса, мазкур тажрибани Ўзбекистонда ҳам қўллаш, хусусан, ўзбек тилини билиш даражаси бўйича халқаро даражадаги сертификатлаш тизимини ишлаб чиқишда мустаҳкам замин яратилмоқда.

Вазира АЗИМОВА,  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги бўлими бошлиғи.

Асфальтланган кўчаларга 10 йил кафолат берилса, бетон тўшалганда бу муддат икки баробарга узаяди



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЙЎЛЛАРИНИНГ АҲВОЛИ ҚАНДАЙ?

(Боши 1-саҳифада)

Очиқ ва эркин тарзда ўтган матбуот анжуманида соҳа мутасаддилари журналистларнинг баъзи бир кескин ва асосли саволларига жавоб беришда анча каловлиб ҳам қолдилар. Сабаби, ҳали тармоқда ҳал қилинмаётган муаммолар кўп, нуқсонлар ҳам талайгина. Аҳоли эътирозлари билан боғлиқ ҳал қилиниши зарур бўлган муражаатлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Масалан бугунги кунда вилоят ҳудудидан кесиб ўтган умумий йўлларнинг 5 минг 262 километри таъмирталаб. Бу фойдаланилаётган йўлларнинг қарийб 40 фоизини ташкил этади. Жорий йилда жами 853 та йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган. Энг ачинарлиси, ушбу нохушликлар оқибатида 200 нафар киши ҳалок бўлган, 653 нафари тан жароҳати олган. Ажабланарлиси, содир бўлган ҳодисаларнинг 97 фоизига ҳайдовчилар айбдор деб топилди,

атиги 3 фоизига йўл носозлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Ҳолбуки транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчиларнинг хулосалари тамомла бошқача. Йўл ва кўприкларга муддатидан олдин шикаст етатганлигида бошқа омишлар ҳам мавжуд. Бу баъзи автомобилларнинг оғир юк билан мослашмаган йўллардан ҳаракатланишидир. Бунинг натижасида, кўприклар катта босим остида эзилиб, авария ҳолатига келса, асфальт тўшамалар титилиб кетади. Натижада давлат бюджетидан миллиардлаб сарфланган маблағлар шу тарихқа ҳавога соврилади. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан юк ташувчи машиналар оғирлиги меъёрлари белгилаб қўйилганига қарамай, унинг ижроси вилоятда ўта суст адо этилмоқда. Матбуот анжуманида ушбу масала назоратига дахлдор мутасаддилар жорий йилда бу борада нима ишлар қилингани, айбдорларга

қандай чоралар кўрилгани ҳақидаги саволларга жўяли жавоб беролмадилар. Маълум қилинишича оғир юк ортган автомобилларнинг ҳаракатланаётган йўлга мослигини ўлчаш учун йўлларда махсус тарозилар бўлиши керак. Ҳозирча вилоят бўйича бундай назорат-ўлчов мосламалари бор-йўғи иккитагина бўлиб, уларнинг бири айни вақтда яроқсиз ҳолда экан. Пресс тур давомида иштирокчилар Нурафшон шаҳар “Опнок” МФЙ кўчасига бетон тўшамаси бошлиғи Фурқат Аҳмадхонов. – Асфальтланган кўчаларга 10 йил кафолат берилса, бетон тўшалганда бу муддат икки баробарга узаяди. Қолаверса, жараён кам ишчи кучи билан амалга оширилади. **Иброҳим ТОШЕВ,** “Qishloq hayoti” муҳбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## НУКУСДАГИ ЯНГИ МАҲАЛЛАДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри “Олтин жағис” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 1 минг 51 хонадонда 4 минг 200 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили ташкил этилган ушбу янги маҳалла айни дамда ҳақиқий бунёдкорлик майдонига айланган.



– Шу кунгача маҳалламиздаги 34 кўчанинг 4 тасига асфальт ётқизилди, 19,5 км йўлга шағал ва қум аралашмаси тўшалди. Шунингдек, хонадонларга узлуксиз электр энергияси етказиб бериш мақсадида янги трансформаторлар, кўчаларга 100 дан ортиқ темир-бетон устуллар ўрнатилиб, ичимлик суви ва табиий газ линиялари тортилди, – дейди “Олтин жағис” МФЙ ҳоким ёрдамчиси Ойбек Йўлдошев. Шу билан бир қаторда кўча ва хиёбанларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳозирда маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино, учта болалар ва спорт майдончалари ҳамда қатор хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Иккита ўринда мобил тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ташкил қилинган. Ҳудудда янгидан барпо этилган умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. **Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ** (ЎЗА) олган сурат.

## КЛАСТЕРЛАР ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК САММИТИДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Кеча пойтахтимизда “Жаҳон тўқимачилик саноатида янги мувозанат – янги иштирокчилар ва тенденциялар” мавзuidaги Тошкент тўқимачилик саммити бошланди.

Мақсуд форум мода саноатининг энг ёрқин тадбирлари, хусусан, “UzTextileExpo – Кўз – 2022” халқаро кўргазмаси, FIT ва “Тайёр кийим” лойиҳасини бирлаштирганки, бу юртимиз ва хорижий мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Саммитда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 41 тасида пахтани қайта ишлашнинг тўлиқ саноат занжири яратилган.

Group”, “Merganteks”, “Art Soft Tex Cluster”, “Denov Tekstil Klaster”, “Poli Tex Sirdaryo”, “Real Agro Cotton” сингари 40 дан ортиқ кластерлар янги ва экспорт маҳсулотларини намоиш этмоқда. Уюшма тизимида 134 та пахта-тўқимачилик кластери фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 41 тасида пахтани қайта ишлашнинг тўлиқ саноат занжири яратилган.



## ҲОСИЛДОРЛИҚДА РЕКОРД НАТИЖА

“Merganteks” пахта-тўқимачилик кластеридан 75 центнерлик натижа!



## ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЎҚУВ СЕМИНАРИ

Зарафшон магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармасига қарашли канал, гидроузел, гидротехник иншоотлар ва сув омборларининг ишчи-ҳодимлари учун техника хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва соҳадаги янги технологияларни ўрганиш бўйича ўқув семинари ташкил этилди. Машгулотлари Бухоро вилоятидаги “Inter biznes mega servis” нодавлат таълим муассасасининг малакали мутахассислари олиб борди. Семинар якунида иштирокчиларга сертификат берилди. Зарафшон МТФБ матбуот хизмати

## АВГУСТ-СЕНТЯБРЬ ОЙЛАРИДА ҚАРИЙБ 10 МИНГ ГЕКТАР МАЙДОНГА ПИЁЗ ВА САРИМСОҚПИЁЗ ЭКИЛДИ

Аҳоли истеъмолида пиёз ва саримсоқпиёз алоҳида ўринга эга бўлиб, мазкур маҳсулотга бўлган эҳтиёж эса йил давомида мавжуд

Ушбу эҳтиёжни қондириш мақсадида жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Тошкент вилояти бўйича жами 9 минг 641 гектар майдонга пиёз ва саримсоқпиёз экилиб, зарур агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда. Деҳқончиликнинг “Тўқсонбости” усули яхшигина даромад манбаи бўлиши билан бирга, аҳолининг эртаги сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини қондириш имконини беради. Натижада қиш ва баҳор ойларида ҳам

да сабзавот экинларини навлар бўйича жойлаштириш, экиш ва парварилаш бўйича кўрсатмалар бериб берилмоқда. Вилоят бўйича асосий сабзавот экинларининг юқори авлодли маҳаллий навлари уруғларини етказиб берувчи Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Тошкент илмий тажриба станцияси омориди кашнич, укроп, қовун, тарвуз, бақлажон, помидор, бодиринг, лавлаги, қарам, сабзи,



бозорларимиз тўкин-сочин бўлиб, нарх-наво ҳам барқарор бўлади. Тошкент вилоятида бу борадаги ишлар “Ўзагроинспекция”нинг Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда туман бўлимлари томонидан назоратга олинган. Аҳоли томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарида экиш ишларининг бориши, уруғликлар, моддий-техник ресурсларнинг ўз вақтида етказиб берилиши каби масалалар жойида ўрганилиб, бу борадаги тадбирларни самарали ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда. Туманларнинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олган ҳолда очиқ майдонларга ва боғ-тоқ қатор ораларига “Тўқсонбости” усули-

турп, шолғом уруғи, фасол, пиёз, редиска, қовоқ, ширин қалампир, патиссон, кабакча, редиска уруғликлари сақланмоқда. Хулоса қилиб айтганда, экин майдонлари ва аҳоли томорқаларидан оқилонга фойдаланиш, экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш устувор вазифа саналади. Мазкур масала шубҳасиз, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қилади. **Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА,** “Ўзагроинспекция”нинг Тошкент вилояти бошқармаси Жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи.



НАВОЙ ВИЛОЯТИ

## “МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОМОНИДАН ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛМОҚДА

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсуми ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Хирмонларимиз оқ олтинга тўлмоқда.

Навоий вилояти Навбахор тумани “Бўганбой” фермер хўжалиги ҳам бу йилги пахта режасини муддатидан олдин бажарди. “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” да турувчи хотин-қизлар оиласига қўшимча даромад топиш мақсадида пахта теримига чиқишган. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан улар

ҳолдан хабар олинди. Илғор теримчиларга эсдалик совғалар топширилди. – Анча йилдан буён шу фермер хўжалигига пахта теришга чиқаман. Кунига 130-150 кг. пахта териб, мавсумда 5-6 млн. сўмгача даромад қиламан, – дейди Гулҳаё Эшонқулова. Бундан ташқари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят

бўлими томонидан Қизилтепа тумани Зармитан қишлоғидаги “Ақмал, Абрам, Ақрам пахтакор” фермер хўжалиги, Ўрта чўл ҳудудидаги “Мустафо бобо-2021” фермер хўжалиқларида ҳам теримга чиққан эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олиниб, илғорлари рағбатлантирилди. **Отабек АСЛОНОВ,** “Qishloq hayoti” муҳбири.

ЭЪЛОН

## Давлат активларини бошқариш агентлиги таъсисчилигида бўлган “CLINIC PRO” МЧЖ директор лавозимига номзод тайинлаш бўйича танлов эълон қилади

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- 1.Иқтисодиёт, техник мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга.
  - 2.Камида 5 (беш) йиллик раҳбарлик иш стажига эга.
  - 3.Интизомли, талабчан ва принципиалликка эга.
  - 4.Ўзбек, рус, инглиз тилида эркин мулоқат қила олиши (Чет тилларни билиши).
  - 5.Компьютер билимдонлиги. MS Office – ишончли фойдаланиши.
  - 6.Нафақа ёшига тўлмаган.
  - 7.Соҳа бўйича 5 йиллик тажрибага эга бўлиши. Ишнинг асосий шартлари
- Иш тартиби:** соат 9-00 дан 18-00 гача. Душанба-Жума, 08.00 дан 15.00 гача Шанба. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси бўйича расмийлаштирилади. Иш ҳақи штатлар жадвалига мувофиқ.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

Олий/ўрта махсус маълумот Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги ва саноат хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларини билиш; МЧЖ фаолиятига тегишли Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги, маҳаллий ҳокимлик органлари ҳамда бошқа раҳбарлик ва норматив ҳужжатларини, корпоратив бошқарув принципларини билиш; МЧЖ фаолияти соҳасида раҳбарлик лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган муддат ичида тажрибага эга бўлиш.

Танловда иштирок этиш учун номзоднинг тақдим этиши шарт бўлган ҳужжатлар:

- тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати ва алоқа маълумотлари кўрсатилган ҳолда танловда иштирок этиш учун ариза;
- шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, меҳнат дафтарчаси нусхаси ёки меҳнат тажрибасини тасдиқловчи ҳужжат, олий/ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат нусхаси ҳамда қўшимча маълумотга эга бўлганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаси;
- Танлов учун ҳужжатлар эълон берилган кундан бошлаб 10 кун муддатда қабул қилинади.

**Ҳужжатлар қуйидаги манзил бўйича юборилади:** Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани Мирзо Улугбек кўчаси 30-уй. Тел: +99878-113-02-01. Ички номер 5454. **Электрон манзил:** clinic.pro@mail.ru

# УСТОЗЛАР ҚАДР ТОПГАН ЮРТ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "2022-2023-йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури"нинг 25-банди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 сентябрдаги тегишли баёни ижроси доирасида "Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – халқимизга хос эзгу фазилат" гоёси остида "Кексалар ҳафталиги" эълон қилинди.**



Маълумки, миллий кадрятларимиздан бири ёши улуг инсонларни кадрлашдир. Кексаларни эъзозлашдек азалий кадрят халқимизни жипслаштириш, одамлар орасида меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яша-

шига хизмат қилиб келган. Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси томонидан "Устозлар қадр топган юрт" мавзусида ижодий учашув ташкил этилди. Тадбирда узоқ йиллар давомида оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб борган устоз журналистлар, олий таълим масканларида журналис-

тика соҳаси бўйича ёшларга таълим берган фахрийлар, шунингдек, айни кунларда газета ва журналлар, телерадиоканалларда, интернет нашрларида ёшларга устозлик қилиб келаётган соҳа фидойилари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Байрам давомида тантанали равишда юбилей ёшлари қарши олган қатор устоз журналистларга Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, айримларига янги намунадаги аъзолик билети ва кўкрак нишонлари



тантанали равишда топширилди. – Аввало бу ташаббуснинг хайрли ва ибратли эканини айтмоқчиман, деди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Муҳтарам Улугова. – Яширишнинг ҳожати йўқ, кейинги пайтларда замон тезлашиб, устозу шоғирдлик мулоқотларига вақт етишмай қолдимиз ёки бунга эҳтиж қамайиб кетганми... Лекин ёшларнинг маҳорат ва ҳаёт тажрибаларидан баҳраманд бўлиши ўзигаам, жамиятгаам катта фойда. Мен бундай тадбирларни оддийгина бир пиёла чай устида, соҳага хизматлари сингиган ва қалами ўткир, мушоҳадалари теран ижодкорлар билан ёш издошларни таклиф этиб, жонли мулоқот, савол-жавоблар тарзида ҳам ўтказилишини таклиф қиламан. Айниқса, ёш қаламкашларга журналистика этикаси, турли вазиятларда журналист позицияси, сўз масъулияти ҳақида тажрибали устозларнинг маслаҳатлари фойдадан холи бўлмайди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш улуглангани боис жаҳон ахли бизга ҳавас билан қарайди.

Ўз муҳбиримиз.

**Пойтахтдан Хоразм сари йўлга чиқсангиз, Бухородан ўтганча, чексиз қумликлар ичига ўнгингиз. Гўё назарингизда бу қумликларнинг чек чегараси йўқдек. Хоразмга илк бора келаётган меҳмон эса, воҳа фақат қумликлардангина иборат деган хулосага келиши аниқ. Аммо ундай эмас. Хоразмнинг ўзига яраша чиройли шаҳару қишлоқлари, табиати ва ўзига яраша экологияси бор.**

## ХОРАЗМ МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒИ



Хоразм вилояти Амударёнинг қуйи қисмида, Ўзбекистон Республикасининг шимоли-ғарбида жойлашган, Қорақалпоғистон Республикаси ва қисман жанубда Бухоро вилояти билан, ғарбда ва жануби-ғарбда Туркменистон давлати билан чегарадош.



Вилоят ҳудудининг асосий қисми Амударёнинг сўл соҳилида жойлашган. Амударё қадимдан бой тарих ва маданиятга эга бўлган Хоразм тақдирида катта рол ўйнаган. Нил дарёси қадимги Миср учун қанчалик аҳамиятли бўлган бўлса, Амударё ҳам Хоразм воҳаси учун шунчалик муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, бу дарё Хоразм вилояти ва қўшни ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий тарихий географик омили ҳисобланади. Вилоятнинг Орол денгизига яқинлиги, ушбу минтақада вужудга келган экологик вазият унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Хўш, бугунги кунда вилоят аҳолисини қандай экологик муаммолар қийнамоқда? Айтиш жоизки аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи биринчи ўринда турибди. Ҳозирги кунда воҳа қишлоқларининг ҳаммаси ҳам ичимлик суви билан таъминланмаганлиги бор гап. Яқин ўн йиллар ва ундан олдинги йилларда аҳоли кудуклардан сув ичган бўлса, кейинги йилларда ер ости сувининг ўта шўр чиқishi натижасида ичимлик суви истеъмолга яроқсиз бўлиб бормоқда. Аммо шундай бўлсада аксарият қишлоқларда одамлар ҳалиям ана шу шўр сувдан истеъмол қилмоқда. Баъзи тоза ичимлик суви этиб бормаган қишлоқлар аҳолиси сувнинг литрни 150 сўмдан олиб ичishi мажбур бўлапти. Бу бир муаммо бўлса, иккинчиси ерларнинг мелиоратив ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ масала. Яна айрим ҳудудларга сув этиб бормаслиги

натижасида экин экилмасдан қолиши ҳам экологиянинг бузилишига олиб келаётди. Ноеб экин турлари, манзарали ва мевали дарахтлар, "Қизил китоб"га кирган қўш ва ҳайвонларни сақлаб қолиш, экологиянинг яхшиланишига ҳисса қўшиш мақсадида вилоятда "Хоразм миллий табиат боғи" ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, Амударё дельтасида табиий тўқай ресурсларини муҳофаза қилиш, уларни қайта тиклаш ҳамда Хоразм вилоятидаги чул экотизмларини сақлаш ва вилоятда экотуризмни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Хоразм миллий табиат боғини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда умумий ер майдони 21 687,5 гектар бўлган "Хоразм миллий табиат боғи" ташкил этилди. Бу эса республикада ўзига хос, ноёб, қимматли табиий объектларни ва мажмуаларни, ўсимликларнинг ва ҳайвонларнинг ирсий фондиди сақлаб қолиш, инсон фаолиятининг табиатга бўлган салбий таъсирининг олдини олиш, шунингдек, табиий жараёнларни ўрганиш, атроф табиий муҳит мониторингини олиб бориш, экологик таълим ва тарбияни та-

комиллаштириш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни илчил амалга оширади.

Хусусан, Амударё дельтасида табиий тўқай ресурсларини муҳофаза қилиш, уларни қайта тиклаш ҳамда Хоразм вилоятидаги чул экотизмларини сақлаш ва вилоятда экотуризмни янада ривожлантириш мақсадида "Хоразм миллий табиат боғи"ни ташкил қилиш учун табиий ҳудудлардан, Хива тумани ҳудудидан 1163 гектар, Хазорасп тумани ҳудудидан 19538,8 гектар, Янгибозор тумани ҳудудидан 743,2 гектар, Урганч тумани ҳудудидан 197,5 гектар давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ер майдонлари ажратилди. Ушбу миллий боғ Хоразмда "Қизил китоб"га




киритилган ёввойи ҳайвонлар, қўшлар ҳамда ноёб доривор ўсимликларни сақлаб қолиш, шунингдек, қайта кўпайтириш ва вилоятнинг экотуризм салоҳиятини кучайтириш, келажак авлодга она табиатни софлигича қолдириш мақсадида ташкил қилинди. Янгибозор туманидаги Амударё соҳилида ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон ва қўшларни асраш ва кўпайтириш бўйича питомник ташкил қилиниб, унинг ҳудудидан 3,5 гектар табиий тўқайзор темир панжара билан ўралди. Бу ерда Бухоро бугуси, жайрон ва бошқа ноёб ҳайвонларни сунъий равишда кўпайтириш

режалаштирилган. Ҳозирда бу ҳудудга 4 та кийик олиб келиниб, кўйиб юборилди. Келажакда яна олиб келиш режалаштирилган. Илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун моддий-техник база ташкил қилинди. Ушбу питомникда чет эл грантлари ва олимларни жалб қилган ҳолда табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ишларни олиб боришга шароит яратилади. Питомник биносиди 50 кишига мўлжалланган ўқув семинар зали, лаборатория хонаси, ошхона ва бошқа хоналар мавжуд. Мазкур миллий боғ келгусида албатта, чет эллик сайёҳларнинг эътиборини қозониб, мамлакатимизга сайёҳлар оқимининг кўпайишида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Хоразм миллий табиат боғида 126 та ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, шунинг 20 таси ноёб ҳисобланади. Ҳайвонот дунёси ҳам хилма хилдир.

Хазорасп туманида жойлашган "Уч ўчоқ" геологик тарихий объекти вилоятдаги ягона геосайёҳлик объектидир. Бу йўналиш бўйлаб меҳмонхоналар, ошона (ресторан)лар, кэмпинглар ва бошқа жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган объектлар барпо қилиш лозим бўлади. Ушбу объект ҳам Хоразм Маъмур академияси олимлари томонидан ўрганилган бўлиб, у ерга йирик метронт келиб тушишидан ҳосил бўлган деб тахмин қилинмоқда. "Уч ўчоқ" геологик тарихий объекти чет эллик олимлар ва сайёҳларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Бу ҳудуднинг табиий кўриниши унинг юқори қисмидан карьер сифатида фойдаланиш натижасида анча тартибсиз ҳолатга тушиб қолган. Уни сақлаш ва асраб қолиш мақсадида бу ҳудуд ҳам "Хоразм миллий табиат боғи"га киритилган.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,** "Qishloq hayoti" муҳбири.



**Ҳаётингизда бир бора бўлсада бўрига дуч келганмисиз? Мен бир марта учратдим. Эртак ва афсоналарда йиртқиқ, калтафаҳм деб таърифланган, болажонларнинг мультфильмларида эса қуёндан доим алданиб қоладиган бўрини занжирга боғланган афтода ҳолда кўрдим. Сарғимтил тусли, қулоқлари дикрайган, думи узун. Жуссаси чўпонларнинг итидек келади, аммо унинг кўзларига боқиб вужудимда ажабтовур титроқми, ҳаяжонми уйғонди.**

Дўстим Алишернинг уида ўтирган эдик. Кўча тарафдан ўглининг ота, бўри, бўри, деган товуши келди. Ташқарига чиқдик. Дарвоза ёнида баланд бўйли йигит боғланган бўриси билан турибди. Дўстим бўри етаклаган йигитни ҳовлисига бошлаб аввал уйини, сўнгра моллари ва қўйлари қишлайдиган қамовга киритиб айлантриб чиқди-да, чўнтагидаги пулини санамасдан узатиб, раҳмат айтганча кузатиб кўйди. Дарвоқе, мен келганимда овози оламни бузган дўстининг овчарка ити қаерда, деб қарасак, бечора мулоим тортиб ғарам ортида писиб ётган экан. Кексалардан эшитганларим ёдимга тушди. Бўрининг деви бўлади, у оддий жонзод эмас, илоҳий... уларнинг кўзларига важоҳат ва тилсимот яширинган. Ёши улуг кишилар бирор-та жумард одам ҳақида гап кетса, "бўридек эди, ортига бурилиб қарамасди" дея сўзлайдилар. Ёхуд фарзандлари турмаганлар чакалогини ирим қилиб бўрининг тағидан айлантриб олишган, ўғил бўлса Бўрибой, қиз бўлса Бўритоша бир чеккада ўтирибди. Шунда маҳалла оқсоқоли Ўтаган бобо ҳалиги йигитни имлаб чақирди ва деди: ҳой, Шодидёрбой, ахир сиз жиянсиз, нега шумшайиб ўтирибсиз, жиян тоғанинг уйига келса бўри оралагандек бўлади, дейи: Расулбой ука, шоманг, дейишган машойихлар, тезда борингда меҳмонларга қаранг, деб айтгани ёдимга тушди.

қанча дўхтир ва табибларга кўрсатиб даво тополмаган касалманд аёли оёққа туриб кетди. Фарзанд қўролмай дарди ичиди юрган тўнғичининг хотини кўчордек ўғил туғди, кенжаси олийгоҳ талабаси бўлди, икки қизини узатди. Бу ёғини эшитинг, йигирма беш сотих томорқасидан тонналаб картошка, сабзи-пеёз олиб пулнинг тағида қолди. Энг қизиги, ҳар куни бузилиб, хуноб қиладиган трактори тўхтамай ганча кузатиб кўйди. Дарвоқе, мен келганимда овози оламни бузган дўстининг овчарка ити қаерда, деб қарасак, бечора мулоим тортиб ғарам ортида писиб ётган экан. Кексалардан эшитганларим ёдимга тушди. Бўрининг деви бўлади, у оддий жонзод эмас, илоҳий... уларнинг кўзларига важоҳат ва тилсимот яширинган. Ёши улуг кишилар бирор-та жумард одам ҳақида гап кетса, "бўридек эди, ортига бурилиб қарамасди" дея сўзлайдилар. Ёхуд фарзандлари турмаганлар чакалогини ирим қилиб бўрининг тағидан айлантриб олишган, ўғил бўлса Бўрибой, қиз бўлса Бўритоша бир чеккада ўтирибди. Шунда маҳалла оқсоқоли Ўтаган бобо ҳалиги йигитни имлаб чақирди ва деди: ҳой, Шодидёрбой, ахир сиз жиянсиз, нега шумшайиб ўтирибсиз, жиян тоғанинг уйига келса бўри оралагандек бўлади, дейи: Расулбой ука, шоманг, дейишган машойихлар, тезда борингда меҳмонларга қаранг, деб айтгани ёдимга тушди.

"Ёз ойлари эди, жамоа хўжалигининг қўйларини тоққа ҳайдадик. Ўт-улан тизига келади. Кайфиятимиз чоғ, бош чўпон Меили бобо билан арчанинг соясига чой ичаётган эдик. Бир пайт итлар безовта хура бошлади. Қарасак, ўнғирнинг устида иккита бўри турибди. Мен милтиққа қўл чўзган эдим, ҳамроҳим тўхта ишорасини қилди-да, деди: Расулбой ука, шоманг, билсангиз бу дунёда барча нарсанинг ҳисоб-китоби бор, бўрилар ўзларининг насибасини, ҳақини сўраб келишибди. Ахир, тоғ уларини-да, боринг-да анови йўталиб юрган совлиқни ушлаб кирга ташлаб келинг, шунда қарздан қутуламиз, бўлмаса бошимиз балога қолади. Мен Меили бобонинг айтганини бажардим, шундан сўнг бўрилар бизни қайта безовта қилишмасди."

Кимдир айтувди, ҳайвон ўргатувчилар барча жондорларни қўлга ўргатар эканлар, аммо бўриларни буйсундириб бўлмаган. Бу ғаройиб жонзодлар ўзларига нисбатан шафқатсиз бўлиб, оёғи шикаст еса тишлари билан узиб ташласада, ўз қавмларига ғоят садоқатли бўлиб очликдан силласи қуриса ҳам бўри бўрини ғажимас экан.

Ҳа, бўрилар ҳам бизга бегона эмас, у ҳам она табиатнинг фарзанди, мўъжизасидир.

**Ўролбой ҚОБИЛ,** Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.  
Қамаши

### Эълон

Ўзбекистон Маърифатпарварлар жамияти Кенгагининг 2022 йил 16 августдаги қарорига асосан жамиятнинг (Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси 7 уй манзилида жойлашган, СТИР рақами: 201212133) нодавлат нотижорат шаклидаги Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими тугатилмоқда. (Бўлим Самарқанд вилояти Адлия бошқармасидан 1999 йил 10 сентябрда 173- рақами ва 2015 йил февралда 115-рақам билан қайта руйхатдан ўтган).

Шу муносабат билан барча кредиторларнинг тугатиш комиссиясига мурожаат қилиши сўралади. Аризаларни қабул қилиш мuddати эълон чиққан санадан бошлаб икки ой.

Тугатиш комиссияси манзили: Самарқанд вилояти Оқдарё тумани "Устоз" сихатгоҳи. Тугатиш комиссияси раиси Б.К.Тухлиев. Масъул: У.Абдиганиев. Тел.: +99888 900 49 09.



**МУАССИСАЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

### Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ҲАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан руйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюролма Г-1047. 1246 нускада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

